

Дунёнинг энг гўзал шаҳарида қурилган биринчи масжид



16:00 / 17.12.2020 1824

Дунёнинг энг гўзал шаҳри деб ном олган Янги Зеландиянинг Квинстаун шаҳрида биринчи масжиднинг очилиш маросими нишонланди. Бу ҳақда islam.ru сайти хабар берди.

Узоқ йиллик тайёргарлик ва маблағ йиғиш ҳаракатларидан сўнг ушбу юрт муслмон халқининг орзулари ўшалди.

«Биз муслмонлар жамоаси ниҳоят ибодат қиладиган жойга эга бўлганимиздан жуда ҳам мамнунмиз. Шу пайтгача биз жамоат жойларини ижарага олганмиз. Баъзан эса Вакатип кўли бўйида намоз ибодатини адо қилар эдик», дейди маҳаллий Ислом маркази раиси Муҳаммад Надим.

Бундан ташқари «Биз бинонинг калитларини олдик ва бугун кечқурун масжидда биринчи намозимизни ўқидик», деб қўшимча қилди Надим.

Муслмонлар жамоаси 2019 йил март ойида шаҳардаги биринчи масжид учун маблағ йиғишни бошлаган. Масжиднинг умумий қийматининг 10 фоизини, яъни 430 минг долларни муслмонлар тўлашди, қолган қисмини эса 2021 йил декабрь ойигача тўлаш керак. Квинстаун кўллар мэри Жим Боулт ушбу туманнинг ўз масжидига эга бўлишидан хурсандлигини айтди.

Квинстаунга энг яқин масжид Инверкаргилда деярли 200 км узоқликда жойлашган.

Хуршид Маъруф тайёрлади